



ИНФОРМАЦИЯНИ АУДИТОРИЯГА ЕТКАЗИШДА НОДАВЛАТ ТЕЛЕКАНАЛЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИ

Махфуза Мухторова Саидмурод қизи

журналист

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7148911>

ARTICLE INFO

Received: 30th September 2022

Accepted: 03rd October 2022

Online: 05th October 2022

KEY WORDS

журналистика, телевидение,
тележурналистика,
информацион дастурлар,
теледастурлар, оммавий
ахборот воситаси, Ўз. МТРК,
телеканал, рейтинг,
тезкорлик, томошабин,
аудитория

ABSTRACT

Мақолада айтилишича, бугун “Ахборот асри” деб номланган шиддатли, тезкор замонда яшаймиз. Аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжи жуда катта. Бу эҳтиёж эса ҳар қандай эмас, ишончли, холис ва очиқ-ошкора ахборотларга бўлган талаб бўлмоқда. Ўзбек аудиторияси бугунги кунга қадар турли ахборотларни кўриб, эшитиб улгурди. Ва ҳақиқатан янгиликлар истеъмолчиларини ҳеч қандай ноҳолис ахборотлар билан чалғитиб бўлмаяпти. Интернетнинг оммалашиши бу жараёнларга янги бир даврни олиб кирди. Ана шу жараёнларда телевидение орқали янгиликларни тарқатиш қандай кечяпти? Мақолада айнан нодавлат ҳисобланган “Sevimli” телеканалининг “Замон”, “Mening yurtim” телеканалининг “Марказий студия”, “Худуд” дастурлари, “Zo’r TV” нинг “Бу кун” информацион дастури материаллари тадқиқот объекти сифатида олинган. Унда янгиликларни кенг жамоатчиликка етказишдаги асосий ютуқлар ва камчиликлар, телеканаллар рейтингда янгиликлар дастурларининг тутган ўрни, турли ташкилотларининг ахборотларини ёритишда эътибор қилиниши керак бўлган жиҳатлар таҳлил қилинган.

Бугун ахборот асрида яшаймиз, газета-журналларда ахборот тезкорлигида интернетга ета олиш имконияти йўқ, бироқ телевидениеда унга бас келиш имкони бор. Тенг келганда ҳам ишончли, расмий маълумот бериш имкони мавжуд. Информацион жанр ўрни келганида бошқа жанр услубларини ҳам қамраб олади.

Дастурни қизиқарли тайёрлаш учун восита ва сабаблар эса кун сайин кўпайиб бормоқда. Буни айрим нодавлат телеканалларнинг информацион дастурида кузатиш мумкин. Янгилик ёки хабарни хусусий телеканаллар орқали томошабинга етказишда улардаги “эркинлик” яъни бу



фақат “юқорининг ёхуд турли ташкилотларнинг назорати”дан озодлик эмас, ижодий эркинлик даражаси юқори экани кўзга ташланади. Бошқа тарафдан олганда уларга қўйиладиган талаблар: томошабинга янгилик бера олиш, уларга хабарнинг янги жиҳатларини топиш, ўзига хос ёндошув асосида ёритиш каби талаблар қўйилади. “Мен томошабинларга бераётган материал нимаси билан қизиқарли?” қабилдаги саволни мухбирнинг ўзига мунтазам бериши лавҳаларни қизиқарли бўлишини тامينлайди. Ёки атрофимизда бўлаётган жамоатчилик эътиборидаги масалаларга тезкор муносабат билдира олиш, омма эътиборидаги воқеаларга мутасаддилардан изоҳ талаб қилиш каби жиҳатлар билан уларда устунлик мавжуд эканининг гувоҳи бўляпмиз. Буни информацион дастурлар рейтингини аниқловчи сўровномалар натижаи кўрсатган .

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканаллардан фарқли тарзда хусусий телеканаллар замон билан ҳамнафас бўлишга, ижтимоий тармоқларни шунчаки ёшларнинг кўнгилхушлик воситаси, дея қарамасдан, унинг имкониятини телевидение билан уйғунлаштириб фойдаланяпти. Фейсбук, телеграм ёки инстаграм каби платформа-ижтимоий тармоқлар бугунги кун ОАВнинг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Буларнинг таъсирида онлайн касблар, соҳалар шаклланди. Уларнинг ҳаётимиздан чиқиб кетмаслиги ҳам аниқ бўлиб бормоқда. Мабодо, бир турдаги ижтимоий тармоқ ёпилса, ёки давлат томонидан таъқиқ қўйилган

тақдирда, унинг ўрнига бошқаси пайдо бўлаверади. Бундан ташқари, таъқиқларни бузиш мумкин бўлган турли платформалар орқали ана шу сайтлардан фойдаланишни бугун кўпчилик билади.

Хусусий телеканаллар миллий телеканалларидаги анъанавий оммавий маданиятнинг бир кўриниши сифатида қабул қилинувчи ижтимоий тармоқларга “қора нигоҳ” билан боқмади. Уни томошабин ва ёшлар орасидаги бир майдон қилиб олишди. Хусусий телеканалларнинг информацион дастурлари “Замон” ҳамда “”Бу кун” информацион дастурлари ҳозир ўзининг барча ижтимоий тармоқлар шунингдек, “Youtube”да ўз саҳифаларига эга. Ҳар бир эфирга узатилган лавҳа ана шу платформаларда эълон қилинади. Шу билан бирга бу дастурларнинг ижтимоий тармоқларга жойланиши теледастурларнинг умрини узайтиради. Жойланган манбаадан жойловчилар ўчириб ташламагунича истаган вақтда, истаган жойда ушбу видеоларни томошабин кўра олиши мумкин. Бу тарафдан интернет телемахсулотларга катта имконият берди.

Телевидение ва интернет имкониятларини бирлаштиришнинг яна бир устун жиҳати бор. Бу реклама. Яъни телеканалнинг махсулотини томошабинга ижтимоий тармоқ орқали тарғиб қилиш имконияти.

Ҳозирги кунда хусусий телеканалларда бир қанча информацион дастурлар эфирга узатиб келинмоқда. Улар ҳақли равишда томошабиннинг меҳрига сазовор бўлди. “Uzreport” телеканалининг – “Янгиликлар”, “Sevimli” телеканалининг – “Замон”,



“Mening yurtim” телеканалининг – “Марказий студия”, “Худуд”, “Zo’r TV” нинг – “Бу кун”, “Миллий” телеканалининг “Миллар” инфор­мацион дастурлари аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда.

Президентнинг давлат раҳбарлари билан учрашувлари, худудларга ташрифи, Олий Мажлис палаталари тадбирлари хусусий телеканаллар ва бошқа оммавий ахборот воситасида журналистнинг иштироки орқали ёритилиши мумкин эмасди. Қарийб уч йилдан буён хусусий телеканаллар журналистлари, интернет сайтлари ходимлари иштирок этиб, Президент ташрифларининг, юқори даражадаги расмий тадбирларнинг ёритилиши йўлга қўйилди. Унга қадар Ўз. МТРК “O‘zbekiston 24” телеканали эфирга узатган махсулотдан ёки Президент матбуот хизмати сайтидан маълумотлар кўчириб берилар эди.

Масалан, 2021 йил 25 апрель соат 20:00 да эфирга узатилган “Замон” инфор­мацион дастурида Президент учрашуви тўғрисида сўз юритилади. Унда бошловчи сифатида томошабинга танилган журналист Ж. Олимов жараёнда иштирок этган. Давлатимиз раҳбарининг 23 апрель кунги иш графиги асосида бир нечта хорижий давлат элчиларидан ишонч ёрликларини қабул қилиб олишини ёритган. Шундан сўнг Президент пойтахтдаги айрим объектлар фаолияти билан танишади. Бу жараёнларни бевосита кузатган нодавлат телеканал мухбири материал аввалида мезбон кутиб олин­адиган жойдаги тайёргарлик ҳақида икки оғиз сўзлайди. Кейин эса ноодатий тарзда

микрофонда сўзлаб, зал ичида бироздан сўнг кечадиган жараён ҳақида “стенд-ап” қилади. Стенд-ап бир жойда турмасдан, ҳаракатда, залга томон юриб кетилаётган тарзда суратга олинган. Бу материалга ўзига хослик киритган. Кейин батафсил маълумотларни айтиб, одатий биз кўриб ўрганган типдаги лавҳа уланиб кетади. Аммо биргина мана шу материал бошидаги ёндошув, камераларнинг штативсиз ишлагани лавҳани кўримли қилган. Лавҳа Давлат раҳбарининг автоматлаштирилган электр энергиясини ҳисоблаш марказига ташрифига уланиб кетади. У ерда ҳам мухбир стратегик объект ҳисобланган жой бўлишига қарамай, электр энергияси бўйича истеъмолчиларнинг маълумотлари базаси сақланадиган серверлар олдида эркин юриб, мутахассис билан суҳбат қилади. Бу ҳам репортажга ўзига хослик берган. Бироқ 23 апрель куни бўлган воқеа материалининг орадан икки кун ўтиб, 25 апрель куни эфирга берилиши тезкорлик принципига тўғри келмаган. “Замон” инфор­мацион дастурининг аксарият материаллари ана шундай ўзгача ёндошув асосида тайёрланади. Хусусан, 2020 йил 1 май куни айтилган пандемия жиддий тус олиб, аҳолида тушкунлик, эртанги кун ҳақида ҳадик бўлган пайтда Сирдарё вилояти Сардоба туманида аҳоли бошига катта офат келади. Сардоба сув омборининг бузилиши оқибатида нафақат Сардоба тумани балки унга қўшни туманлар ҳам катта зарар кўрганди. Дастлаб, бу маълумот телеграм тармоғи орқали тарқалди. Нодавлат телеканаллар дастурларидан “Замон” бу борада биринчи бўлди. “O‘zbekiston 24” дастурларида аҳолининг уй-жойидан,



боридан айрилгани, уларнинг оғир аҳволи “ижобий бўёқлар” билан беришга уринилди. Бу пайтда “Замон” мухбири (Р. Ғофурова) Сардобага бориб, чўпон киши интервьюсида унинг учун бу офат қай даражада фалокатли бўлганини кўрсатди. Сардоба аҳлининг фожеасини кўрсатиш учун ана шу битта лавҳа етарли бўлганди.

Хусусий телеканаллар информацион дастурларини кузатар эканмиз, информацияни томошабинга оғир, жиддий қилиб эмас, бироз енгил руҳда, “ҳазм қилиш”га осон усулда беришга интилишни кўриш мумкин. Бундан ташқари, турли ташкилотлар ҳисоботини беришга муккасидан кетмайди. Ёхуд шундай ҳисоботларнинг ижтимоий аҳамияти таҳлил қилинади. Ташкилотларнинг турли расмий тадбирлари бўладиган ҳолатларда, жуда қисқа ёки журналистнинг бирор қизиқарли жиҳат топишга уринишини сезамиз. Жамоатчиликнинг эътиборида турган масалаларга муносабат билдиришга ҳаракат қилинади.

Фақат кўнгилочар йўналишда дастурлар тайёрлаган “Zo’rTV” телеканали 2020 йилнинг 7 июлидан бошлаб информацион дастур эфирга узата бошлади. Ўтган қисқа даврда “Бу кун” информацион дастури ахборот теледастурлари орасида ўз рейтингига эга бўлиб улгурди. Ушбу дастурнинг бугунги кунда барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида мухбирлари бор. “Бу кун” информацион дастури шоу информацион йўналишда фаолият юритади. Дастур фақат шов-шув асосидаги материаллар билан чегараланиб қолмаяпти. Унинг рейтингини кўтарувчи омиллардан бири жамоатчиликнинг назарида

турган мавзуларга муносабат билдиришга интилишидир. Қолаверса, аҳоли орасидан оддий, бирор фаолияти орқали яхши даромад олишга муваффақ бўлганлар, ноодатий касбларда меҳнат қилаётган кишилар кўрсатилиб, касб-ҳунарга, бандликка тарғиб қилинади. Бу ҳам аслида давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Камчиликлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, кўп имло хатоларига йўл қўйилади. Аксарият ҳолатларда мухбирларнинг нопрофессионалиги, ёндошувнинг бир тарафлама бўлиб қолиши кабилар кузатилади.

2021 йилнинг 12 май куни ижтимоий тармоқлар ва интернет сайтларида “Ўзбекистон қизил китоби”га киритилган кўнғир айиқ россиялик овчи томонидан отиб ўлдирилгани тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Бу ҳодиса медиа воситаларида жуда тез тарқалди. Боиси хабарда фотолавҳа ҳам келтирилди. Ҳолат кенг жамоатчиликнинг эътирозларига сабаб бўлди. “Sevimli” телеканалининг “Замон” информацион дастурида воқеа бўйича қисқа лавҳа берилди. Лавҳада ижтимоий тармоқларда шу маълумот тарқалгани айтиб ўтилди. Нима учун бундай бўлгани, нега айнан россиялик овчига бу ҳуқуқ берилгани каби саволларга экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасидан жавоб олинмади. Бироқ, шу маълумот чиққан куннинг эртасига “O’zbekiston 24” телеканалда қўмитанинг атроф-муҳитни асраш йўлида амалга ошираётган ишлари ҳақида хабар эфирга берилди. Бу вақтда жамоатчилик қўмитадан айиқнинг отиб ўлдирилиши воқеасига изоҳ кутаётганди. Келтирилган жараёнда



қайси теледастурнинг тутган йўли тўғри? ОАВнинг жамиятдаги воқеалар кўзгуси эканини ҳисобга олганда “Замон” информацион дастурининг берган материали тўғри позицияда. Аслида, телеканал ана шу ҳолатга изоҳ сўраб, материалнинг долзарблигини ошириш мумкин эди. Бироқ бу ҳам давлат телеканални каби “беписандлик” режимида қолгандан кўра яхшироқ. Томошабин ана шундай дастурга ана шунда ишонади. Информацияга ишонади. Дастурни кузатишни бошлайди. “Замон” дастурида тутилган йўл долзарб мавзуга боғлаб материални ёритиш томошабини ўзига жалб қилади. “O’zbekiston 24” телеканалининг тутган йўли эса “нол” даражада турган рейтингни “минус” даражага туширади, холос. ОАВ давлат ёки нодавлат бўлишидан қатъий назар ташкилотларнинг ҳисобот бериш минбарига айланиб қолмаслиги керак. Берилаётган информацияга журналист, таҳририят ёхуд телеканалнинг муносабати акс этиши ахборотни томошабин учун керакли қилади. Хусусий телеканаллар томонидан бериладиган информацион дастурларнинг камчиликлари ҳақида гап кетганда энг биринчи эътироф этиладиган ва оғриқли нуқта бу – тил масаласи. Тўғри, шевада сўзлаш, сўзларни тўғри қўллай билмаслик, артикуляция, интонация каби нутқий масалалар бугун аксарият телеканалларда муаммога айланди. Аммо тилшуносликнинг энг муҳим қоидаларидан бўлган сўзларни тўғри ва ўз ўрнида, сўз ясовчи қўшимчаларни тўғри қўллаш каби жиҳат нодавлат телеканалларда анчайин муаммо эканини алоҳида таъкидлаш керак:

– “... очикланди”;
– “... вазирга кўра”;
– “... матбуот хизматига таяниб” сўзлари ҳамда
– “...ганлигини”,
– “га”, “да”,
– “нинг” ва “ни” қўшимчалари фарқини билмаслик. Бу каби ҳолатларни яна кўп давом эттириш мумкин. Юқорида келтирилган “очикланди”, “вазирга кўра” сўзлари аслида адабий тилда учрамайди. Фақат айрим шеваларда ёки ҳозир кириб келган сўзлашув услубида учрайди, холос. Айниқса, бундай сўзларни қўллаш дастлаб хаваскор интернет сайтларида, кейинроқ ташкилотларнинг матбуот хизматлари томонидан қўлланилиб, айти кунда жуда оммалашди, профессионаллар қўллашигача етиб борди, одатий ҳолга айланиб қолди. Тилшунослик меъёрлари бўйича ёки мантиқан олиб қаралганда “вазирга кўра” қабилида ишлатилиши нечоғлик хато эканини сезиз қийин эмас. Бу сўзнинг тўғри қўлланилиши “вазирнинг сўзларига кўра” ёки “ташкилот мутассаддисининг маълум қилишича”, (айтишича, таъкидлашича ва ҳоказо) каби ҳолатларда бўлади. “Очикланди” сўзини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, ўзбек тилида “очик” сўзи бор. -лан феъл ясовчи қўшимчаси бор. Бироқ бундан ҳатто 4-5 йил аввал ҳам айнан “очикланди” каби ғализ сўз на бадий адабиётларда, на расмий услубда қўлланилмаган. Бунда тўғри қўллаш: очик баён қилинди, маълум қилинди, изоҳ берилди каби ҳолатларда бўлади. “- ганлигини” қўшимчасини ҳам кўплаб сўзлар билан бирга қўллаш мумкин. Бу ҳолат “-ган” ва “-лик” қўшимчаси кетма-



кетликда фойлаланиб, шакл ясовчига ўзгартирилиб, тушум келишиги “-ни” қўшилиши оқибатида юзасига келган. Бироқ бу хато қўллаш саналади. Масалан шунга ўхшаш “айтганлигини” сўзини олсак, унинг тўғри қўлланиши “айтганини” бўлиши керак. Шу каби бошқа ҳолатларда ҳам. “-ганлигини” эмас, “-ганини” тарзида қўлланиши айна мақсадга ҳамда қоидаларга мувофиқ бўлади. “... га таяниб” ҳолатида келадиган сўзларни қўллаш эса жуда кулгили ҳолат. Бу биринчи бўлиб, хорижий давлатларда ўзбек тилида информация тарқатадиган сайтларда учради. “Матбуот хизмати ходимига таяниб” бўлмаслиги, ҳатто “вазирга таяниб” бўлмаслиги бу кундек равшан. Яъни бу ерда таяниб сўзи жуда ноўрин қўлланилмоқда. “Таянмоқ” бу аниқ мавжуд бўлган буюмга нисбатан суяниш, объектнинг бир четини ушлаб туриш маъносини билдиради. Масалан, ҳассага таянмоқ, қўллари билан столга таянмоқ. Аммо ҳеч бир маълумот тарқатаётган журналист вазирнинг олдида бориб, унинг елкасига таяниб турган ҳолда информация тарқатмайди-ку. Мабодо маълумотни ана шу тарзда тарқатишни жуда истайдиган мутахассис бўлса, бу ҳолатда тўғри жумла “агентлик директорининг сўзларига асосланиб”, “масъулларнинг берган маълумотларига кўра” ва ҳоказо тарзида бўлиши керак. Дастлаб, бундай ҳолатлар асосан сўзлашув услубида оммалашиб, “айтгисимиз кемиёпти”га

ўхшаб ёзма услубга ҳам кириб келди. Ва бу жуда нотўғри. Тилшуносликда жуда қўпол хато ҳисобланади.

Бу каби ҳолатларни кўплаб келтириш мумкин. “Ахборот асри” деб номланган ҳозиргидек шиддатли, тезкор замонда яшар эканмиз, юқоридаги каби камчиликларга йўл қўймаслик учун журналист мустақил изланиши талаб этилади. Яъни ёш журналистларнинг таълим жараёнларига шу каби жиҳатларни қамраб олган дарс соатлари қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, ёш кадрларни етиштиришда журналистларнинг нутқ маҳорати масаласига ҳам катта эътибор қилиниши лозим. Бу айниқса, телевидение ва радио эшиттиришлар журналистикаси йўналиши бўлғуси мутахассислари учун жуда муҳим. Тўғри талабалар, ўқиш жараёнларида маълум вақтларда амалиётга йўналтирилади. Уларнинг биринчи босқичданоқ теле ва радиоканалларда амалиётга ўташи йўлга қўйилган. Аммо ОАВда ишлар тезкор бўлиши, ходимлар юкламаси кўп экани боисидан амалиёт давомида талабалар керакли малакани ўзлаштира олимаяпти. Буни тан олиш керак. Айниқса, ҳар қайси телеканалларда кузатиладиган бундай қўпол камчиликларга йўл қўювчи мутахассислардан соҳанинг бу каби нозик жиҳатларини амалиёт давомида талабаларга ўргатишни кутиш ноўрин.

References:

1. Эрих Фихтелиус. Журналистиканинг 10 қоидаси. Тошкент. Шарқ. 2002.
2. Хуршид Дўстмуҳаммад. Журналист бўлмоқчимисиз? Тошкент. Янги аср авлоди. 2001.